

Ishonch

• O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ

У АМАЛИЁТГА
ҚАНДАЙ
ТАТБИҚ
ЭТИЛМОҚДА?

>>> **3-саҳифада ўқинг...**



Давлатимиз раҳбарининг фармони билан Бекзод Мавлонов Президентнинг ҳукукий экспертиза ва комплекс таҳлил қилиш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимига тайинланди.



Нью-Йорк шахрида амалий таширф билан бўлиб турган Сенат раиси, гендер тенглик бўйича республика комиссияси раиси Танзила Норбоева Эроннинг Хотин-қизлар ва оила масалалари бўйича вице-президенти Энсиё Хазалий билан учрашди.




Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Бахтиёр Саидов Гана элчиси этиб тайинланган (қароргоҳи Техрон шаҳрида) Эрик Овусу Боатенгни қабул қилди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили Исматулла Эргашев Туркия элчиси Олган Бекар билан учрашди.



Ўзбекистон ташқи ишлар
вазири Бахтиёр Саидов Ко-
рея Республикаси элчиси
Ким Хи-сангни қабул қилди.



Тошкент вилоятининг қарийб 20 минг гектар ер майдони Тошкент шаҳридаги Янги Тошкент тумани таркибига ўтказилди. Бу ҳақдаги қарор Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев томонидан имзоланди.

**Ўзбекистон қасаба
уюшмалари
Федерациясида
қуну тун фаолият
қўрсатадиган қисқа
рақамли**

12 11

«Ишонч телефони»,
яъни «Call-center»га
мамлакатимизнинг
турли ҳудудларида,
олис ва чекка
қишлоқларида
яшаётган хотин-
қизлар ўз
муаммолари бўйича
исталган вақтда
муурожаат қилиш-
лари мумкин.



Фарғона вилояти

ҚОНУНЧИЛИК ТАЛАБЛАРИ БУЗИЛГАН ЭДИ

Фарғона тумани 23-умумий ўрта таълим мактаби директори Нодир Каримов билан тузилган меҳнат шартномаси Фарғона вилояти мактабгача ва мактаб таълими бошқармасининг 2023 йил 27 ноябрдаги 531-сонли буйруғи билан бекор қилинади. Мактаб директори ҳар қанча уринмасин, барибир ишга тиклана олмади.

Мазкур иш, Нодир Каримовнинг муружатида кўра, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши ҳуқуқшунослари томонидан ўрганиб чиқилди. Аён бўлдики, иш берувчи директорни ишдан бўшатишда меҳнат қонунчилиги талабларини бузган.

Судда ҳам бу каби асослар ўз исботини топди. Суднинг қарори билан Фарғона вилояти мактабгача ва мактаб таълими бошқармасининг 2023 йил 27 ноябрдаги, 531-сонли буйруғи бекор қилиниб, Нодир Каримов яна 23-мактаб директорлигига тикланди. Мажбурий прогул қуналари учун эса 11 миллион 164 минг сўм иш хакки ундириб берилди.



Хукук

Касаба уюшмаси аралашгач...



**ИШ БЕРУВЧИ
ТАҚДИМНОМАНИ
ПИСАНД ҚИЛМАДИ,
АММО...**

**«Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖ ишчиси
Сарвиноз Мелиқўзиевага заводдан ҳомиладорлик таътили учун
жами 8 миллион 501 минг сўм нафақа пули ундириб берилди.**

Гап шундаки, у 2022 йил ноябрда Фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси бўйича 28-касанаچилик ҳеҳида шартнома асосида тикувчи сифатида иш бошлади. 2023 йилнинг 3 июлидан меҳнатга лаёқатсиз варақасига асосан ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиқади ва керакли ҳужжатларни тахт қилиб, маъмуриятга топширади.

Аммо маъмурият С.Меликүзиева билан фукаролик-хукукий шартномасигина тузилганини важ қилиб, гўёки «сиз бизнинг ҳодим эмассиз, шунчаки фукаролик шартномаси бўйича ишлаяпсиз, холос. Бундай ҳолатда завод сизга ҳеч қандай меҳнатга лаёқатсизлик варақаси учун пул тўлаб бермайди», деган баҳона билан нафақа пули тўлашдан бўл тортади.

Иш берувчининг хатти-ҳаракатидан норози бўлган ходим Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилоят кенгашига мурожаат қилади.

Шикоят Мутасаддилар томонидан ўрганилганда қатор қонунбузилишлар аниқланди ва бу бўйича иш берувчига тақдиминоа киритилди. Лекин «Фарғона нефтини қайта ишлаш заводи» МЧЖ раҳбарияти буни писанд қилмади. Оқибатда иш судга оширилди. Нихоят, адолат қўрғонининг тегишли қарори билан иш берувчидан С.Меликузева фондасига ҳомиладорлик ва тугиш таътили учун нафақа пули ындибир берилганидан бўлди.

Авазхон ТЎРАХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси
Фарвона вилояти кенгаши бош юрисконсўлти



Ҳамкорлик

МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ
Етакчилар кенгаши ҳамда Темирийўлчилар
ва транспорт курувчилари касаба уюш-
маси Республика кенгаши Ёшлар бирлаш-
маси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги
меморандум имзоланди.

Унда икки томонлама муносабатларнинг
ҳолати ва истиқболлари, ўзаро қизиқиш уйғо-
тадиган масалаларни муҳокама қилиш мақ-
садида маслаҳатлашувлар ўтказиш, ҳамкор-
ликда ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга
оширилишида самарали ҳамкорлиқни таъмин-
ловчи, «Ёшлар – келажак бунёдкори» шиори
остида профессионал фаолиятни амалга оши-
риш, ёшларни турли мафкуравий таҳдидлардан
асраш, мамлакат истиқболи учун масъулиятни
ўз зиммасига олишга қодир ёшлар сафини ке-
нгайтириш, ёшларнинг замонавий касб-хунар-
ларни пухта эгаллаши учун муносиб шарт-ша-
роитлар яратиш, бандлигини таъминлаш, иш-
билармонлик қобилиятини ривожлантириш,
ташаббустларини рағбатлантириш, интеллек-
туал ва ижодий салоҳиятини рўбга чиқариш-
га кўмаклашиш, ёшлар сиёсати соҳасида
халқаро ҳамкорлиқни янада ривожлантириш
бандма-банд таъкидлаб ўтилган.

Назокат НУРМАТОВА



Конференция

БАНДЛАР ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?

Республика ихтисослаштирилган гемато-
логия илмий-амалий тиббиёт марказида
маъмурият ва касаба уюшма кўмитаси ўр-
тасида тузилган жамоа шартномасининг
2023 йилда бажарилиши тўғрисидаги ҳи-
сobotи бўйича меҳнат жамоасининг кон-
ференцияси бўлиб ўтди.

Тадбирда тиббиёт маркази раҳбари М.Ис-
ломов ҳамда касаба уюшма кўмитаси раиси
Н.Ахророванинг йил якуни бўйича белги-
ланган ҳисobotлари тингланди. Ишчи-хо-
димларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қув-
ватлаш, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик
техникаси, меҳнатга ҳақ тўлаш, бандлиқни
таъминлаш, соғломлаштириш, ёшларга ва
аёлларга берилган имтиёзлар ва бошқа шу
каби масалалар юзасидан маълумотлар тақ-
дим этилди.

Конференцияда тармоқ касаба уюшмаси
Республика кенгаши инспекциясининг Тош-
кент шаҳар бўйича меҳнат-хуқуқ инспектори
М.Содиқов йиғилганларни қизиқтирган сав-
олларга жавоб берди.

Раъно МАҲКАМОВА
«ISHONCH»



Наманган
вилояти

БАРЧА МАСАЛАЛАР ҚАМРАБ ОЛИНДИ

Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат
кўрсатиш соҳалари касаба уюшмаси На-
манган вилояти бирлашган кўмитасига
қарашли қатор корхона ва ташкилотларда
жамоа шартномаларининг ўтган
йилда бажарилишига бағишланган
конференциялар ўтказилди.

Хусусан, тармоққа тегишли «Nafis tex
Group» масъулият чекланган жамиятида
бўлиб ўтган йиғилишда дастлаб иш берувчи
ва корхона бошланғич касаба уюшма кўми-
таси раисининг ҳисobotлари тингланди.

Айни пайтда корхонада фаолият олиб
борадиган 350 нафар ишчи-хотимнинг аксария-
ти хотин-қизлар бўлгани боис жамоа шарт-
номасига шунга монанд-мос қўллаб бандлар
қиритилгани алоҳида таъкидланди. Шундан
сўнг ишчиларга яратилган шарт-шароитлар,
меҳнат муҳофазаси, хотин-қизларга иш ва ун-
дан ташқари вақтларда берилган имконият-
лар ҳамда уларнинг соғлигини тиклаш мақ-
садида йил давомида олиб борилган ишлар
муҳокама қилинди.

Фаолиятга ижобий баҳо берилган йиғи-
лишда Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат
кўрсатиш соҳалари касаба уюшмасининг
Республика кенгаши раиси Улуғбек Мухам-
медов ва тармоқ касаба уюшмасининг На-
манган вилояти бирлашган кўмитаси раиси
Қодирхон Мавлонов иштирок этди.

Орзугул РУСТАМОВА
«ISHONCH»



Хоразм
вилояти

Семинар

ФАРМОНБИБИ УЧУН САНАТОРИЙГА ЙЎЛЛАНМА

Урганч шаҳридаги 29-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчилари
«Келинлар кўзғолони» спектаклини янги талқинда намойиш этишди.

Фармонбининг олти келини касаба
уюшма аъзоси. Улар ўзлари ишлайётган
ташкилот бошланғич касаба уюшмаси
қандай қўллаб-қувватлаётганидан Фар-
монбинини воқиф этишди. Бир келини
бепул саёҳат уюштирилаётгани, бири са-
наторийда дам олиш учун имтиёзли йўл-
ланма олгани, бири маънавият соатида
эшитган ривоятдан сўз очди. Яна бири
касабақўм ташаббуси билан уюштирил-
ган спорт мусобақасида ғолиб бўлганини
айтиб мактабди. Фармонбига булар-
нинг барчаси маъқул келди. Аммо каса-
бқўмдан моддий ёрдам олган келинини
койиб берди:

– Биз ўзига тўқ оиламиз-ку, нега ёр-
дам сўрайсан? Эртагаёқ қайтар, ҳақиқий
муҳтожлар олсин, – деди Фармонбиги.

Саҳна кўрinishи таълим ва фан хо-
димлари касаба уюшмаси Урганч шаҳар
кенгаши томонидан мактабда ташкил
этилган «Жамоа шартномаларида хо-
тин-қизлар манфаатларининг ифодала-
ниши» мавзусидаги семинар доирасида
намойиш қилинди. Унда шаҳар кенгаши
тасарруфидagi бошланғич касаба уюшма
кўмитаси раислари қатнашди.

– Таълим тизимида фаолият кўрсатув-
чиларнинг асосий қисми хотин-қизлар-
дан иборат. Шу сабабли жамоа шартно-
маларида уларнинг манфаатлари кенг
акс этиши лозим, – дейди Таълим ва
фан ходимлари касаба уюшмаси Урганч
шаҳар кенгаши раиси Сафаргул Бердие-
ва. – 3 ёшгача фарзанд тарбиялаётган ёш
оналар учун қўшимча танаффуслар бери-
лаётгани, 2 ёшдан 3 ёшгача фарзанд тар-

биялаётгани учун таътилда бўлган аёл-
ларга моддий ёрдам кўрсатилиши, иш
берувчига иш ўрни қисқартирилаётган
аёлларни меҳнат бозорига талаб юқори
бўлган касбларга ўқитиш мажбурияти
юкланиши, аёлларга малака ошириш ва
қўшимча маълумот олиш ҳуқуқидан фой-
даланиш учун имконият яратиш бери-
лиши, гендер тенгликка эришиш страте-
гиясини амалга оширишга кўмаклашиш,
меҳнатга ҳақ тўлашда нотенгликка чек
қўйиш... Шулар жумласидандир.

– Касаба уюшмалари хотин-қизларни
қўллаб-қувватлаш учун мунтазам ра-
вишда зарур чоралар кўриб келмоқда.
Бу мавзу ҳар йили муҳим аҳамиятга мо-
лик масалаларга бағишлаб ўтказилади-
ган давра суҳбатларида ҳам муҳокама
қилиняпти. Мақсадимиз аёлларнинг му-
носиб шароитларда ишлашини, меҳнат-
лари муносиб рағбатлантирилишини таъ-
минлашдир, – дейди Ўзбекистон касаба
уюшмалари Федерацияси Хоразм вило-
яти кенгаши бўлими мудри Худойберган
Отажонов.

Семинар давомида бошланғич ташки-
лотлар етакчилари ўз тажрибалари бил-
ан ўртоқлашишди. Иштирокчиларни қи-
зиктирган қўллаб саволларга жавоб бе-
рилди. Мактаб бошланғич касаба уюшма
ташкilotи фаолияти билан танишилди.
– Бундан 9 йил мукаддам мактабимиз
янги қурилиб иш бошлаганида 30 нафар
касаба уюшма аъзоси фаолият кўрса-
тарди. Хозирда аъзоларимиз сони 103 на-
фарга етди. Таълим-тарбия билан қамраб
олинган ўқувчилар сони ортганлиги жа-

моамиз зиммасидаги масъулиятни ҳам
оширди. Фидойий ўқитувчилар, техник хо-
димлар манфаатини ҳимоя қилиш учун
иш берувчи билан ҳамкорликда зарур чо-
раларни кўриб келяпмиз, – дейди бош-
ланғич касаба уюшма кўмитаси раиси
Умиджа Жабборов.

Ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан ма-
даний дастур тақдим этилди. Психологик
тренинг машғулотлари ўтказилди. Шу-
нингдек, жамоа меҳмонларга «Яшил мак-
он» лойихаси доирасида етиштирган гул
кўчатларини тўхфа қилишди. Фаол ка-
саба уюшма кўмитаси раислари таълим
ва фан ходимлари касаба уюшмаси Ур-
ганч шаҳар кенгаши томонидан рағбат-
лантирилди. Фармонбиги ролини ижро
этган тажрибали муаллима Шоира Аваз-
метовага санаторийда ўз соғлигини мус-
таҳкамлаши учун имтиёзли йўлланма бе-
риладиган бўлди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА
«ISHONCH»



Қашқадарё
вилояти

ТИНИБ-ТИНЧИМАС ОПА

Роҳила Ишалиева ҳаёт синовларига дуч келганида уларни аёлларга хос матонати ва
меҳнатсеварлиги билан енгди. Турмуш ўртоғи вафотидан сўнг ўғли ва қизининг бахти учун
мардонавор курашди. Оила муқаддаслигини ҳаёт гултожи деб билди. Шаҳрисабз тумани хотин-қизлар
кўмитаси раиси, туман ҳокими ўринбосари бўлиб ишлаган кезлари юзлаб аёлларнинг дардқашига
айланди. 1998 йили эса туман ҳокимлиги касаба уюшма кўмитаси раислигига сайланди.
Ва шу тариқа ходимлар манфаатига қамарбаста ва жавобгар шахсга айланди. Унинг ташаббуси билан
спорт мусобақалари уюштириш, ҳокимият хизматчилари ва оила аъзоларини соғломлаштириш,
муружаатлар билан ишлашда янгича ёндашув шакллантирилди.

2008 йили Роҳила Ишалие-
ва зиммасидаги масъулият юки
янада ошди. Уни Давлат муасса-
салари ва жамоат хизмати ходим-
лари касаба уюшмаси Шаҳрисабз
шаҳар кенгаши раислигига лойиқ
қўришди. Бунга чорак асрлик
тажрибаси борлиги ҳамда одам-
ларга яхшилик қилиш иштиёқи
кучлилиги туртки бўлди.

Опа жамоатчилик асосида фао-
лият юритса-да, бошланғич ташки-
лотлар етакчилари билан алоҳи-
да-алоҳида иш олиб борди. Жамоа
шартномаси муҳокамаси бўлиб
ўтадимиз, маънавий-матрифий тад-
бир режалаштириладими, ҳар би-
рида шахсан қатнашди. Ўз навба-
тида, илғор раисларни муносиб
рағбатлантиришни ҳам ёқидан
чиқармади. Шу тариқа ўнлаб шо-
гирларнинг устозига айланди.
Айниқса, соғлом турмуш тарзини
тарғиб этиш мақсадида оилавий
спорт мусобақалари мунтазам ўт-
казилишига эришди. Шу боис таш-
килот-муассасаларда ва маҳалла-
ларда оммавий спорт ривожланди.

Шаҳар «Нуронийлар» ке-
гаши билан ҳамкорликда тар-
моқдаги фахрийлар рўйхати
шакллантирилиб, уларнинг ҳоли-
дан хабар олиш, эъзозлаш анъ-
анага айлантирилди. Масалан,
«Оқсарой» майдонида «Кексалар
хафталиги» доирасида фахрий-
лар ўртасида шахмат-шашка му-
собақалари уюштирилди. Ўзоқ
йиллар туман ҳокимлигида ишла-
ган Бокжон Эргашев, Хосият
Мухаммадиева, шаҳар ҳокимлиги
фаоллари Ғайрат Хуррамов, Ах-
мад Хайдаров сингари фахрийлар
иштирокида дилбар учрашувлар
ташқиллаштирилди.

Роҳила Ишалиева нодавлат
ташқилотларда ишлайдиган хо-
димларни касаба уюшмасига
жалб қилиш борасида ҳам фаол-
лик кўрсатаётди. Олиб борилган
тарғибот-ташвиқот ишлари са-
мараси ўлароқ, «Абдизафар ҳам-
кор», «Bisay», «Хунарманд клас-
тер» масъулият чекланган жа-
миятлари ҳамда «Қўтқарувчилар
мактаби» хусусий таълим муасса-
сасида касаба уюшма ташқилоти
тузилди. Пировардида шаҳар ке-
нгаши аъзолари сони 1000 нафар-
дан ошди.



Опа, шунингдек, Шаҳрисабз
шаҳар «Окила аёллар» ҳарака-
тига раҳбарлик қилмоқда. Инчу-
дан хабар олиш, эъзозлаш анъ-
анага айлантирилди. Масалан,
«Оқсарой» майдонида «Кексалар
хафталиги» доирасида фахрий-
лар ўртасида шахмат-шашка му-
собақалари уюштирилди. Ўзоқ
йиллар туман ҳокимлигида ишла-
ган Бокжон Эргашев, Хосият
Мухаммадиева, шаҳар ҳокимлиги
фаоллари Ғайрат Хуррамов, Ах-
мад Хайдаров сингари фахрийлар
иштирокида дилбар учрашувлар
ташқиллаштирилди.

Роҳила Ишалиева нодавлат
ташқилотларда ишлайдиган хо-
димларни касаба уюшмасига
жалб қилиш борасида ҳам фаол-
лик кўрсатаётди. Олиб борилган
тарғибот-ташвиқот ишлари са-
мараси ўлароқ, «Абдизафар ҳам-
кор», «Bisay», «Хунарманд клас-
тер» масъулият чекланган жа-
миятлари ҳамда «Қўтқарувчилар
мактаби» хусусий таълим муасса-
сасида касаба уюшма ташқилоти
тузилди. Пировардида шаҳар ке-
нгаши аъзолари сони 1000 нафар-
дан ошди.

Опа, шунингдек, Шаҳрисабз
шаҳар «Окила аёллар» ҳарака-
тига раҳбарлик қилмоқда. Инчу-
дан хабар олиш, эъзозлаш анъ-
анага айлантирилди. Масалан,
«Оқсарой» майдонида «Кексалар
хафталиги» доирасида фахрий-
лар ўртасида шахмат-шашка му-
собақалари уюштирилди. Ўзоқ
йиллар туман ҳокимлигида ишла-
ган Бокжон Эргашев, Хосият
Мухаммадиева, шаҳар ҳокимлиги
фаоллари Ғайрат Хуррамов, Ах-
мад Хайдаров сингари фахрийлар
иштирокида дилбар учрашувлар
ташқиллаштирилди.

Роҳила Ишалиева нодавлат
ташқилотларда ишлайдиган хо-
димларни касаба уюшмасига
жалб қилиш борасида ҳам фаол-
лик кўрсатаётди. Олиб борилган
тарғибот-ташвиқот ишлари са-
мараси ўлароқ, «Абдизафар ҳам-
кор», «Bisay», «Хунарманд клас-
тер» масъулият чекланган жа-
миятлари ҳамда «Қўтқарувчилар
мактаби» хусусий таълим муасса-
сасида касаба уюшма ташқилоти
тузилди. Пировардида шаҳар ке-
нгаши аъзолари сони 1000 нафар-
дан ошди.

Баҳодир ЮСУПОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Жисмоний тарбия, спорт ва соғломлаштириш
бошқармасининг Жиззах вилояти
бўйича масъул ташқилотчиси



Самарқанд
вилояти

Самарқанд давлат тиббиёт универ-
ситетининг кўп тармоқли клини-
касида жамоа шартномаси бўйича
амалга оширилган ишлар юзасидан
конференция ташкил этилди.
Унда клиника маъмурияти ҳамда
касаба уюшма кўмитаси раисининг
ҳисobotи тингланди.

Ҳисobot



ХОДИМЛАР МАНФААТИ БИРЛАМЧИ МАСАЛА

Шифо масканида 751 нафар ишчи-хо-
дим меҳнат қилмоқда. Жамоа шартно-
масида хизматчилар учун қатор имтиёз-
лар белгиланган бўлиб, масалан, ходим
дам олиш кунлари ёки ишланмайдиган
байрам саналарида ишга жалб қилинса,
унга ойлик маошининг 2,5 ҳисса миқдо-
рида ҳақ тўланади.

Ходимларга хавфсиз ва муносиб
меҳнат шароити яратилган, дам олиш
хоналари ташкил этилган, махсус кий-
им-бош, санитар ва гигиена воситалари
билан бепул таъминлаб келинмоқда.
Ишчилар учун мунтазам равишда маъ-
навий ва маданий тадбирлар, саёҳатлар
уюштирилмоқда.

Умуман олганда, жамоа шартномаси
орқали ўтган даврда бир ходим учун ка-
рийб 14 миллион сўм маблағ сарфлан-
ган. Йиғилиш чоғи амалга оширилган
ишлар қониклар, деб топилди.

Шунингдек, Самарқанд халқаро
аэропортида ҳам жамоа шартномаси
бўйича ҳисobot машварати ўткази-
либ, унда қатор масалалар муҳокама
қилинди. Шу аснода ходимлар 2023
йилда жамоа шартномасида белги-
ланган бандлар бўйича амалга оши-
рилган ишларни намунали, дея эъ-
тироф этишди. Мажлис поёнида кел-
гуси фаолиятдаги муҳим йўналишлар
белгилаб олинди.

Дўстмурод ТҲҲИЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси меҳнат техник
инспектори

Ўрнак



Суҳбат

ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ

У АМАЛИЁТГА ҚАНДАЙ ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА?

Маълумки, бултур «Ўзбекистон – 2030» стратегияси қабул қилиниб, унда мамлакатимизнинг шу давр оралиғида ривожланиш йўналишлари белгилаб берилганди. Биз ушбу ҳужжатнинг ҳаётга татбиқ этилиши жараёнлари қандай кечаётгани ҳақида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Нодир ЖУМАЕВ билан суҳбатлашдик.

– Тараққиёт стратегиясида Янги Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олиши, яъни ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард долларга ва аҳоли жон бошига даромадлари 4 минг долларга етказиш назарда тутилган. Статистик маълумотларга қараганда, ўтган йили юртимизда аҳоли жон бошига яъни ички маҳсулот 29,3 млн сўм ёки 2494 долларга етди. Ўртача ойлик номинал иш ҳақи 4 млн. 551 минг сўмни ташкил этди. Биз шу суръатлар билан стратегияда кўзда тутилган мақсадларга эриша оламизми?

дан самарали фойдаланиб, ўзлари ва жамият учун наф келтирадиган манфаатли ишларга йўналтиришдан иборатдир. Энг асосийси, ислохотлар негизи таълим ва илм-фан тараққиёти билан мустаҳкамланмоқда. Инсон ресурсларини ривожлантириш масаласининг устувор бўлиши қўшимча қиймат яратишда асосий омил саналади. Шунга қўра, илм-фан, билимлар ва инновацияларнинг ишлаб чиқариш жараёни билан уйғуллашишига жиддий эътибор қаратиляпти. Бу стратегик мақсадларга эришишга катта ёрдам беради. Амалга оширилаётган ва режалаштирилаётган ишларни инобатга олсак, стратегияда белгиланган мақсадларга эришиш бўйича катта салоҳият борлигига шубҳа йўқ.

лантиришади. Бироқ айрим тоифа масъулларнинг коррупцияга ботиб кетгани халқнинг ҳокимиятга ишончини қусайтирмоқда. Айрим амалдорларнинг вояга етмаганлар билан муносабатлари, ахлоқсизликлари эса жамоатчилик нафратига учрамоқда.

– Албатта, сиз тилга олган кишилар нафақат ўзлари ишлаётган тизимга, балки халқимиз шаънига ҳам иснод келтиришмоқда. Шунингдек, айрим масъулларнинг зиммаларидаги вазифаларни ва ўзларига билдирилган ишончни унутган ҳолда, порахўрликка, таниш-билишчиликка йўл қўйиб, одамлар дардига бефарқ бўлишаётганини ҳам сира-сира ҳаспўшлаб бўлмайди. Маънавий қашшоқлик исканжасига тушиб қолган бундай кишилар ҳар бир халқ, аввало, маънавий бирлашув билангина юксалишга эришиш мумкинлигини унутиб қўйишган.

Олдимизда юксак марралар ва аниқ мақсадлар турибди. Уларнинг амалий самараси халқимиз фаровонлиги ва давлатимиз ривожига учун жуда муҳим. Ана шундай вазиятда ўз иш фаолиятида масъулиятсизликка, жиддий хато-камчиликларга йўл қўйгани учун бир қанча масъуллар вазифасидан озод қилиниб, қонунга зид ҳатти-ҳаракатлар содир этганлар жавобгарликка тортиляпти.

Стратегияда давлат фуқаролик хизмати меритократия, ҳалоллик ва профессионаллик тамойиллари асосида ташкил этиш бўйича ҳам талай вазифалар белгиланган. Чунончи, шаффофликни таъминлаш, кадрлар билан ишлаш бўйича 2 мингдан ортиқ таркибий тузилмалар фаолияти тўлиқ рақамлаштирилади, давлат фуқаролик хизматчиларини узлуксиз малака ошириб бориш тизими билан қамраб олиш даражаси 100 фоизга етказилади. Давлат органлари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятини жамоатчилик фикри асосида баҳолаш амалиёти йўлга қўйилади.

Бундан ташқари, давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда маъмурий адлия тизимини янада ривожлантиришга ҳам устувор аҳамият берилди. Хукуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти инсон манфаатлари, кадр-қиммати ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилади. Конституция ва қонунлар устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош мезонига айланади.

Коррупциявий омилларни бартараф этиш тизими самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатини шакллантириш ишларини жадал давом эттириш мақсадида зарур чора-тадбирлар кўрилади. Унга биноан, давлат харидларини тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали амалга оширишда маблағларни талон-торож қилиш ҳолатлари, товар ва хизматларнинг нархи бозор қийматидан ошиб кетишининг олдини олиш бўйича жамоатчилик назорати тўлиқ жорий қилинади. Давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузишларни икки баробарга камайтиришга ҳамда «Transparency International» халқаро ташкилоти томонидан эълон қилинадиган Коррупцияни қабул қилиш индексида камиди 50 поғонага кўтарилишга эришилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар «коррупциядан холи қонунчилик» тамо-

– Стратегия ҳојаларидан бири аҳоли талабларига ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини яратишдир. Статистика агентлиги яқинда эълон қилган маълумотларга қараганда, 2023 йил якунлари бўйича Ўзбекистонда молия ва сўғурта соҳаси ходимлари энг кўп, яъни ўртача 13,3 млн. сўмдан оғилк маош олишмоқда. Тиббиёт ва таълим соҳасидаги ойликлар эса энг паст даражада қолаётир. Хўш, бу кўрсаткичлар билан халқаро стандартларга тўла-тўқис жавоб бера оладиган таълим ва тиббиёт тизимларини яратиш бўладими?

– Ўзбекистонда молиявий хизматлар ҳажмининг ЯИМдаги улуши сезиларли аҳамиятга эга. Бу мазкур соҳада ишлаётганлар сони қамлиғича қолишига олиб келмоқда. Оқибатда молия хизматлари бозори умумий ҳажмининг кам сонли аҳоли гуруҳига тақсимланиши орқали ўртача иш ҳақи келиб чиқаётганини қайд этиш лозим.

Биламизки, ойлик маошларнинг ўртача миқдори ҳисобланганда барча ходимларнинг маошлари жамланиб, сўнгга ходимлар сонига бўлиб юборилди. Масалан, тиббиёт соҳасини олайлик. Ўрта бўғин ходимлар, ҳамшира, ёрдамчи тиббиёт ходимларининг ойлик маошлари шифокорларникига нисбатан анча кам. Боз устига, ўрта бўғин ходимлари сон жиҳатидан кўп. Шу тариқа юқори малака талаб этувчи ва кичик бўғин ходимлари учун умумий ўртача иш ҳақи миқдори шаклланади.

Бу индивидуал соҳалар ўзаро таққосланганда янада яққолроқ намоён бўлади. Хусусан, 2019-2023 йиллар ораллиғида молия ва сўғурта фаолиятида банд бўлган ходимларнинг ойлик маоши 4,8 млн. сўмдан 13,8 млн. сўмга, ахборот ва алоқа соҳасида 3,9 млн. сўмдан 10,6 млн. сўмга ошган бўлса, соғлиқни сақлаш соҳасида 1,5 млн. сўмдан 3 млн. сўмга, таълим соҳасида 1,8 млн. сўмдан 3,1 млн. сўмга ошди. Аммо бу ушбу соҳаларга давлатнинг эътибори суест эканлигини аңглатмайди. Таълим соҳаси ходимларининг ўртача иш ҳақини икки бараварга кўтариш, тарбиячи ва ўқитувчиларни хорижий мамлакатларга малака ошириш ва стажировкага юбориш, ўқитувчиларни ишга қабул қилиш ва тоифа бериш тизимини тақомиллаштириш борасида аниқ мақсадлар белгиланган олинган.

– Халқ хизматидаги адолатли ва замонавий давлатни барпо этиш Тараққиёт стратегиясининг муҳим оғиларидан бири. Бундай давлатни илми ва маънавияти юксак раҳбарлар, мутасаддилар шакл-

йили асосида ишлаб чиқилиши таъминланади.

Шунингдек, мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, очиклик ва ошкоралик тамойилларининг таъсирчан шакллари жорий этиш, давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича янги чендашувлар амалиётда қўлланилади.

– Ҳозирги кунда жаҳон қарама-қаршиликлар, турли ғоявий қурашлар қўрқовида қолган бўлиб, нотинч геосийсий вазиятлар ядро уруши хавфини туғдирмоқда. Шу каби мураккаб ҳолатлар, турли хавф-хатар ва таҳдидларнинг кучайиши Марказий Осиёга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Нодир ака, айтинг-чи, бундай чигал вазиятда Ўзбекистон ўз суверенитети ва хавфсизлигини қандай ҳимоя қилмоғи керак?

– «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида «хавфсиз ва тинчликсевар давлат» тамойилига асосланган сиёсатни изчил давом эттириш асосий мақсад қилиб олинган. Бунда очик, прагматик, фаол ва яхши қўшничилик ташки сиёсати олиб борилишини изчил давом эттириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Шунга қўра, барча қўшни давлатлар билан яхши муносабат ва стратегик шериклик жадал ривожлантирилади. Турли мамлакатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида минтақавий ҳамда глобал масалалар бўйича мувозанатли ва доимий мулоқотлар олиб борилади.

Дунёда рўй бераётган гибрид характериди қуролли тўқнашувлар таҳлили Қуролли қучларимизнинг жанговар қобилиятини оширишни тақозо этмоқда. Бу эса, миллий армияни замонавий техникалар билан таъминлаш, жумладан, ҳарбий авиация ва ҳаво ҳужумидан ҳимоя тизимини ривожлантириш заруратини келтириб чиқаради. Шу боис, чегаралар хавфсизлигини мустаҳкамлаш мақсадида қўриқлаш тизимига замонавий технологиялар, коммуникация воситалари ва муҳандислик иншоотлари кенг татбиқ этилади. Давлат чегараси хавфсизлигини таъминлаш жараёни сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда янада автоматлаштирилади.

Мудофаа доктринамидада белгилаб қўйилганки, Ўзбекистон Республикаси ҳеч бир давлатни ўзининг душмани деб билмайди. Барча мамлакатлар билан муносабатлар миллий манфаатларимиз устуворлиги асосида ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларини инобатга олган ҳолда, ўзаро наф қўриш, тенг ҳуқуқлилик ҳамда бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, низоли масалаларни тинч воситалар ва музокаралар орқали ҳал этиш, давлатлараро шаклланган чегаралар бузилмаслиги ва ўзгармаслигини тан олиш асосида қурилади.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, ҳар кун дунёда миллионлаб турли воқеалар содир бўлади ва улар муайян ижтимоий-сиёсий қучлар манфаатидан келиб чиқиб, ОАВ ва ижтимоий тармоқларда тарқатилади. Мамлакатимизда реал воқелик ҳолис ва тўғри қабул қилинишига эришиш эса бизнинг энг муҳим ва-зифамиз ҳисобланади.

«ISHONCH» муҳбири
Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА
суҳбатлашди



Қандай ҳолатларда иш жойидан ёрдам олинади?

САВОЛ: Шахсий эҳтиёжларим учун ишхонамдан моддий ёрдам сўрасам бўладими? Умуман, ходимларга моддий ёрдам қандай ҳолатларда берилиши мумкин?

Шерзод РАЗЗОҚОВ
Дўстлик тумани

ЖАВОБ: Меҳнат муносабатлари жараёнида муайян бир ҳодисалар юз берганда ёки бирон-бир сабаб ёки зарурат мавжуд бўлганда иш берувчининг ўз ходимларига тўлайдиган пул маблағлари моддий ёрдам дейилади.

Меҳнат қонунчилигида моддий ёрдам рағбатлантирувчи ҳусусиятга эга бўлган тўловлар қаторига киритилган бўлиб, иш берувчининг ўз ходимларига моддий ёрдам кўрсатиши тақиқланмаган.

Ходимга иш ҳақидан ташқари моддий ёрдам тариқасида тўловларни амалга ошириш тартиби, асослари, миқдори ва бошқа шартлар жамоа шартномаси ҳамда меҳнат шартномасида белгилаб қўйилади.

Моддий ёрдам берилиши мумкин бўлган ҳолатлар сирасига ходимнинг (ёки унинг фарзандлари уйланиши, турмушга чиқиши), оиласида фарзанд туғилиши, оила аъзоси (ёки яқин қариндоши) вафот этганлиги, ходимни ёки унинг вояга етмаган фарзандларини даволаш харажатлари (масалан, дори-дармонларни сотиб олиш, жарроҳлик ёки бошқа пуллик хизматлардан фойдаланиш ва ҳоказолар), ходимнинг туғилган кун ёки юбилей санасини, шунингдек, унинг ўзи ишлаётган корхонада 20, 30, 40 йиллик санасини нишонлаш, меҳнат таътилига чиқиши, пенсия ёшига етганлиги муносабати билан боғлиқ ҳолатларни киритиш мумкин.

Ақсарият ҳолларда корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимларга озиқ-овқат (ёки озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш учун пул) ва йўлқира пуллари кўринишида ҳам моддий ёрдам кўрсатилади.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Афсус

Тўғри йўлдан ТОЙГАНЛАР

Яратилган имкониятлардан нотўғри фойдаланиб, ислом динининг асл моҳиятидан узоқлашиб, радикаллашиб кетётганлар, афсуски, орамизда йўқ эмас. Зангиоталик А.Ш ҳам айнан маъмурий манкуртлар тоифасидан.

Гап шундаки, у интернетнинг «Instagram» ижтимоий тармоғида профил очиб, «Тавхид ва жиҳод» ХТТ етакчиси «Абдуллоҳ Зуфар»нинг материалларини сақлаб келган. Бу ҳам етмаганидек, у материалларни профилининг «публикация» бўлимига жойлаштириб, бу ишга таниш-билишларини ҳам даъват этган.

Яқинда тегишли органлар томонидан ёшлар орасида радикаллашувнинг олдини олиш ва диний муҳитни соғломлаштириш бўйича ўтказилган тезкор тадбирда А.Ш. қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Миробод тумани суди А.Ш.ни МЖТКнинг 1842-модасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлиқни содир этганликда айблаб, унга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 (беш) баробари миқдорда жарима тайинлади.

Сарвар ОТАЖОНОВ,
ИИВ ТҲОҲТД ТҚБ
ЎМИБ тезкор вақили,
подполковник



«БОШИМДАГИ ТОЖИМ ОНАМ»

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида
шоир Муҳаммад Исмоилнинг
«Бошимдаги тожим онам»
китоби тақдими бўлиб ўтди.
Уни уюшма раисининг ижодий
масалалар бўйича биринчи
ўринбосари Минҳожиддин
Ҳожиматов очиб берди.**

– Муҳаммад Исмоилнинг ушбу китоби билан танишиб чиқар эканман, муаллифга чин кўнгилдан ҳавас қилдим, – деди у ўз сўзи аввалида. – Сабаби 60 ёшда онасига бутун меҳр-муҳаббатини изхор қилиш, эрқаланиш, қалбнинг туб-тубидаги изхорларини билдириш, бу катта бахт. Ана шунинг учун ҳам Президентимиз 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан йўллаган табригида маънавий тарбияни «Эзгулик – шиоримиз, маърифат – қуролимиз» деган ғоя асосида, аввало, оиладан, маҳалладан бошлашимиз зарурлигига алоҳида эътибор қаратдилар.



– Бу китоб бугун талай ижодкорлар ва ихлосмандларни бир жойга жамлаганидан мамнунман, – деди «Жаҳон адабиёти» журнали Бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев. – Муаллиф «Мен учун Ватан онамнинг юрагидан бошланган. Менинг шоирлигим шу юракнинг тарбиясида вояга етди. Шу юрак ҳароратидан тафти олди, шу тафти кўлимга қалам тутқазди», деб ёзади. Китобда оналар фарзанди учун барча қийинчиликларга бардош бериши, керак бўлса, жонини қурбон қилишга ҳам тайёрлиги тасвирланади. «Адабиёт ва санъат» газетасида ишлаган йилларим кўп шоири ёзувчилар шеър, мақола, эсселар кўтариб келишарди. Улардан «Онанг билан тушган расминг борми?» деб сўрасам, мум тишлаб қолишарди. Қанчадан-қанчасини онаси билан суратга тушишга ундаганман. Сабаби, инсон ғафлатда яшаркан. Ўзимнинг ҳам онам билан бирга тушган биттагина суратим борлигидан ниҳоятда хафа бўлиб кетаман. Китобни варақлаб, муаллифига ҳавас қилдим. Унда бир-биридан ёрқин хотираларни эслатувчи суратлар бор.

– Муҳаммад Исмоил шу дунёнинг ўзида жаннатда яшаётган инсонлардан бири, – деди шоира Фарида Афрўз. – У ҳаёти давомида ўзи учун бир қадам ташласа, онаси учун ўн қадам одимлайди. Балки, шунинг учун ҳам ижоди сермахсулдир. Онангнинг юзга кириши бу ҳақиқий бахт. Мен ҳам бундан илҳомланиб, «Болам, сенинг бахтинга юзга кириб берсайдим» деб номланган шеър ёзгандим. Онаси ёнида қўлини дуога очиб турган ҳар қандай кишининг иши юришади, омад кулиб боқади. Муҳаммаджон ўз сўзида турадиган, субутли одам. Бу хислат унга мард онасидан ўтган. Оналари билан кўплар қатори мен ҳам суҳбатда бўлганман, ниҳоятда меҳмондўст ширинсўз аёл. Миллат онаси бўлса, шу аёлдек бўлар-да, деб ўйлаганларим ёдимда. Муҳаммад Исмоилнинг ёзганларини одам эсседек маза қилиб ўқийди. Унинг шу пайтгача кўп китоблари нашрдан чиққан, аммо бу ўзгача файзли, илиқ китоб бўлибди.

Тадбирда Муҳаммад Исмоилнинг ижодкор дўстлари ҳам сўз олиб, унинг ижодий фаолияти ҳақида батафсил фикр юритдилар. Тақдимот якунида иштирокчиларга «Бошимдаги тожим онам» китоби тухфа этилди.

**Феруза РАХИМОВА,
Эъзога УМУРЗОКОВА (фото)
«ISHONCH» мухбирлари**

Янгийўл тумани, Навбахор МФЙ. Гулбаҳор кўчаси, 16-уйдаги нотурааржой учун Сидиқов Улугбек Ҳакимжонович ҳамда Хикматиллаева Нилуфар Абдутолиповна ўртасидаги KSh 124021 TS-ракамли олди-сотди шартномаси йўқолгани сабабли бекор қилинади.



Муносабат

Ўзбекистон касаба уюмлари Федерацияси муассислигида «Ватан» журналининг дунё юзини кўриши маданий-маърифий ҳаётимизда муҳим янгилик бўлди. Янги нашр кенг жамоатчилик вакиллари, зиёлиларимиз томонидан мамнуният билан кутиб олинди.

СЕВИМЛИ НАШРГА АЙЛАНАЖАК

Ижодий жамоанинг машаққатли меҳнати, изланишлари маҳсули бўлган журналнинг нишона сони муваффақиятли чиққанини алоҳида таъкидлаш лозим. Уни ранг-баранг яхлит асарга қиёс қилиш мумкин. Журналда тасодиқий, эътиборсиз ўқиладиган бирорта мақолани учратмайсиз. Бу ижодий жамоанинг муҳим ютуғидир.

Нашрдаги Ватан, миллат, она тилимиз ва бошқа мавзулардаги қизиқарли назмий ва насрий асарлар, илмий мақолалар, ўтган аср бошидаги жадиждчилик ҳаракати намояндлари ижодидан намуналар зўр қизиқиш ва қониқиш билан ўқилади, ўқувчи руҳий, маънавий озۇқа олади.

Кейинги пайтда айрим ёшлар ва ҳатто оқ-қорани таниган баъзи юртдошларимиз дунёқарашда космополитизм иллатининг ҳосил бўлаётгани, Ватан туйғусининг, миллий гурурнинг сустлашиб бораётгани ҳам бор гап.

Бундан ташқари тўлақонли, таъсирчан ватанпарварлик мафкурасини шакллантириш, ўтмиш ҳақида тарихий ҳақиқатни тиклаш, мамлакатимизнинг ёрқин истиқбол йўлини танлаш, мафкуравий, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш – зиёлиларимиз, раҳбарларимиз, мутахассисларимиз «Ватан» журнали орқали фикр юритадиган жуда муҳим мавзулардир.

Мана шундай вазиятда барча қатламдаги, барча ёшдаги юртдошларимизни ўзига жалб қиладиган, миллий гурурни уйғотадиган «Ватан» каби журнал жуда зарур эди. Юзага келган бўшлиқ оз бўлса-да, тўлдирилди, дейиш мумкин.

Касаба уюшма ходими сифатида журналнинг Ўзбекистоннинг нуфузли жамоат ташкилоти ташаббуси билан ташкил этилганидан беҳад хурсанд бўлдим.

Донишманд халқимиз, ота боболаримиз Ватанни онага менгзайди. Бу асрлар ўтса ҳамки, оҳори тўкилмайдиган ибора. Зеро, Ватан онамиз, отамиз, гуруримиз, борлигимиздир. Шак-шубҳасиз «Ватан» журнали юртдошларимизнинг энг сеvimли, орзиқиб кутадиган, миллий тарихимиз, қадриятларимиз, тилимиз, глобал муаммоларимиз ҳақида энг сара асарлар ёритиладиган сеvimли нашри бўлишига умид қилиб қоламиз.

Халқимизнинг миллий гурурини юксалтиришга хизмат қиладиган мўтабаб маънавий минбар юзага келгани билан зиёлиларимизни табриклаймиз.

Исмат ОЧИЛОВ,

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси

«ВАТАН» – МИЛЛАТПАРВАРЛАР МИНБАРИ

Яқинда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида олий таълим муассасаларининг биринчи проректорлари, профессор-ўқитувчилари ҳамда илмий тадқиқотчилари иштирокида «Ватан» журналининг тақдими бўлиб ўтди.

Унда журнал ҳақида илиқ фикрлар билдирилди. Жумладан, янги нашр Ватан дарди билан яшаётган, унинг қувончу ютуқларини қалбидан ўтказиб, шу азият юртга садоқат ва меҳр-муҳаббатини кўрсатишни истаган ҳар бир юртдошимиз учун катта минбар бўлгани таъкидланди.

Журналда ёритилган мақолалар, шеърлардан тинчлик ва шукроналик тароватини сезиш мумкин. Тинчлик – инсоннинг ҳаётий эҳтиёжи, эмин-эркин яшаш ва камол топишнинг энг зарур омилidir. Башарият ўз тараққиётининг барча босқичларида, аввало, тинчлик-тотувликка интилиб келган. Тинчликни сақлаш ва мустақамлаш умумбашарий муаммодир. Инсоният учун муқаддас бу қадриятга доимо изчил ва қатъий ҳаракатлар туфайлигина эришилган. Ўзбек халқи тинчликни юксак қадрлайди. Шу боисдан ҳам бобо-момолар дуога қўл очганида, даставвал, Яратгандан тинчлик-омонлик тилайди. Халқимиз орасида ҳам «тинчлик бўлса, ҳар қандай мақсадга эришиш мумкин», деган тушунча кенг тарқалган. Лекин тарих сабоқлари шундан далолат бермоқдаки, бугун юрт тинчлиги дунё ва минтақалар тинчлиги билан чамбарчас bogliq.

XXI асрга келиб, дунё манзараси ўзгарди. Глобллашув, демократия байрови остида кичик давлатларга гегемон давлатлар томонидан турли босимлар кучайди. Дунё нотинч бўлиб қолди. Шу боис, мамлакатимизда, жамият ҳаётида маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан ислоҳ қилиш – Янги Ўзбекистоннинг буюк келажagini таъминлашдаги бош шартларидан бири деб эътироф этилмоқда. Жумладан, бу таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни тўғри йўлга қўйиш – соҳада олиб борилаётган ислохотларни мустақамлашга хизмат қилади.

«Ватан» номли журнал ҳам юртимизнинг яна бир маънавий бойлиги ва ўз вақтида қўйилган қадами сифатида тарихда ном қолдиришига ишончим комил.

Ваҳобжон РАЖАПОВ,

Низомий номидаги ТДПУ Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори

УМР КУШАНДАСИГА АЙЛАНГАН ҚАРЗ

Қарз олиб, уни вақтида қайтаролмаган кишининг ҳаловати йўқолади, рўзгоридан барака қолади. Ишлаган одамнинг ҳақини жуда тез тўлаш керак. Бировга қарз бериш эса садақа беришдан афзалдир. Қарз сўраган кишини хижолат қилмаслик, ранжитмаслик керак. Булар хусусида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам «Бир кишининг муҳтожга қарз бериши садақа беришдан ўн саккиз даража афзалроқдир», «Қарз олиб, қарз бериш ишини яхшилик билан бажарингиз. Агар тарафлардан бирини ранжитсангиз, хафа қилсангиз, катта гуноҳ орттирган бўласиз!», деганлар.

Ўз навбатида, қарз олган киши аввалбошданок уни қайтаришга ниятли бўлиши шарт. Қарз олиш учун эса қуйидаги уч ҳолатда мурожаат қилинади:

- Хасталик ва бошқа сабаблар билан ишлаб фойда тополмай қолганда, муҳим эҳтиёж туғилганда шунга яраша олмак.
- Рўзгор, оила камчилигини бутламоқ учун.
- Уйланмоқ учун етарли тайёргарлик кўрилмаган ҳолда.

Қарз кишининг ҳузурини бузади, ғам-ғуссага ботишига сабаб бўлади. Шунинг учун кўп қарз олмакдан кескин тийилиш керак. Акс ҳолда, оқибати яхшилик билан тугамайди. Мана, бир мисол:

38 ёшли Санжар шериклик асосида бизнесни йўлга қўяди. Уч гектар ерда маккажўхори етиштириб, кетма-кет икки йил 250 минг доллардан қўшимча даромад орттиради. Кейинги йили яқингинада танишган бир кишининг «Баъзи масалаларда профилактика нозирлари билан гаплашиб

Мулоҳаза

ишни ҳал қилганман», деган гапига ишониб, у тавсия қилган бир фермердан ерни ва 900 долларлик тракторларни 1 минг 300 долларга сотиб олади. Фирибгар «ҳожатбарор» фақат Санжарга хужжатларга имзо чектиради, бошқа даромадли бизнесларни эса оғзаки ҳал қилишни айтади. Орадан кўп ўтмай ўзaro ахдлашувга хиёнат қилади ва барча даромаднинг ўзининг номига расмийлаштиради, қарзларни эса Санжарнинг бўйнига илиб қўяди. Оқибатда Санжар тракторларни 700-800 долларга ҳам сотишга мажбур бўлади.

Хуллас, 150 минг долларлик қарзга ботиб, оила аъзолари билан уй-жойсиз қолган Санжар айнаи дамда қандли диабетнинг юқори босқичи билан курашмоқда. Қаттиқ асабийлашганидан тез-тез хушидан кетиб ҳам қолади.

Аслида унинг бундай балоларга гирифтор бўлиши ва ярим-ёрти бизнеси касодга учрашида ўзининг айби бор. Боз устига, фермерга қарашли ерни ноқонуний сотиб олмакчи бўлгани учун жиноий жавобгарликка тортилиши ҳам мумкин.

Нурлиза ДЖУНУСОВА,
Ўзбекистон халқроқ ислom академияси талабаси

МУАССИС:

Ўзбекистон
kasaba
uyushmalari
Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil
11-yanvarda
O'zbekiston
Matbuot va axborot
agentligida 116-raqam
bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va
«Ishonch-Doveriye»
gazetalarini
tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfulla AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PRIMQULOV,
Nodira G'OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV
(Bosh muharrirning
birinchi o'rinbosari),

Mehrididdin SHUKUROV
(Mas'ul kotib – «Ishonch»),

Valentina MARSENYAK
(Mas'ul kotib – «Ishonch-Doveriye»)

Bosh muharrir
Husan ERHATOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti –
(71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot –
(71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy
qadriyatlar va sport –
(71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar
bilan ishlash –
(71) 256-85-43
Marketing va obuna –
(71) 256-87-73

**Hududlardagi
muxbirlar:**
Qoraqalpog'iston Respublikasi –
(+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati –
(+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati –
(+998-99) 080-93-38
Jizzax viloyati –
(+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati –
(+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati –
(+998-99) 889-90-28
Samarqand viloyati –
(+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati –
(+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati –
(+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati –
(+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati –
(+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati –
(+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati –
(+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan
ma'lumotlarda manba
sifatida gazeta nomi
ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat
nuqtai nazaridan
farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
Z. Rixiev

Musahhihlar:
D. Xudoyberganova,
D. Ravshanova

Sahifalovchi:
H. Abdullajilov

Bosishga topshirish vaqti – 22:40
Topshirildi – 23:00

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning shanbaba,
payshanba va shanba
kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning
kompyuter markazida
teriladi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: **133**

**Umumiy adadi 35 087 ta
Shundan:
7431 nusxasi**
«Sharq» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasi –
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi,
41-uyda;
19 182 nusxasi
«Erudit» MCHJ
bosmaxonasi –
Samarqand shahri,
Sipitamen ko'chasi,
270-uyda;
8474 nusxasi
«Poligraf-Press»
MCHJ bosmaxonasi –
Marg'ilon shahri,
Turkiston ko'chasi,
236-«b» uйда
chop etildi.

Gazeta ofset usulida,
A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma G 311

1 2 3 4 5 6